ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 583 2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2728***

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 5[1]-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 114-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 18 ноябрдаги 4-мб-сон «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклла-

* Илова берилмайди.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 16 noyabr holatiga



рини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2636, 2014 йил 18 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 616-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 7 январдаги 1-мб-сон «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2636-1, 2015 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 17-модда)

3. Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

**Раис** **Б. ТУРАЕВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 2 ноябрь,
4-мб-сон



WWW.LEX.UZ